

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бирингиз намоз ўқиётганида шайтон келиб ел чиқадиган жойига пуфлайди. Шунда у таҳоратим кетди деб хаёл қилади. Ҳолбуки таҳорати кетмаган бўлади. Қачон шундай ҳолатни топса то овозни эшитмагунча ёки ҳидни топмагунча намозни бузмасин” дедилар. Баззор ривояти.

Васвасага берилган одам шайтоннинг тузоғига тушиб қолади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимотларига амал қилиб овоз эшитмагунча ёки ҳидни топмагунча намозини бузмасин ва таҳоратини кетган деб ўйламасин. Валлоҳу аълам!